

**QO'QON TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

150700, Qo'qon shahar, I.Buxoriy ko'chasi, 37

**KOKAND INTER-DISTRICT
ECONOMIC COURT**

150700, Kokand, I.Bukhari street, 37

Tel: (+99873) 543-48-15

e-mail: i.quqon@sud.uz**А Ж Р И М***(даъво аризани кўрмасдан қолдириши)*

Қўқон шахри

2022 йил 16 декабрь

4-1502-2202/5038-сон иш

Қўқон туманлараро иқтисодий суди, судья Г.Холматованинг раислигида, Д.Мамажоновнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи Даъвогар номининг жавобгар Жавобгар номини банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича кўзғатилган ишни суд биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Даъвогар номи (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Жавобгар номини банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туришни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида белгиланган тартибда хабардор этилган аризачи суд муҳокамасида вакил иштирокини таъминламади ёки ишни ўзининг иштирокисиз кўриш ҳақида илтимоснома тақдим этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддасининг 6-бандига мувофиқ, даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Юқоридагиларга асосан суд аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 12-бандига асосан аризачи барча ишлар ва ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинган сабабли мазкур иш бўйича давлат божи ундирмаслик лозим бўлади.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 118, 195, 196-моддаларини қўллаб, суд

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Даъвогар номининг жавобгар Жавобгар номининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан ўн кунлик муддатда шу суд орқали Фаргона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи**Г.Холматова**